

ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ИНТЕГРАЦИЯЛАШГАН ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА УЛАРДАН ФЙДАЛАНИШ

М.Э.Мамаражабов*, Д.Э.Абдураимов**

*Тошкент давлат педагогика университети, **Гулистон давлат университети

Бугунги глобаллашган жамиятда ҳар қандай соҳада ижобий натижаларга эришиш учун юқори самарадорликка йўналтирилган технологиялар ва жамиятнинг интеллектуал салоҳиятидан фойдаланишга алоҳида аҳамият бериш талаб этилади.

Мамлакатимизнинг Биринчи Президенти И.Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн етти йиллигига бағишланган тантанали маросимда: "...таълим соҳасида замонавий ахборот ва компьютер технологиялари, интернет тизими, рақамли ва кенг форматли телекоммуникацияларнинг замонавий усуллари ўзлаштириш, бугунги тараққиёт даражасини белгилаб берадиган бундай илғор ютуқлар нафақат мактаб, лицей ва коллежлар, олий ўқув юртларига, балки ҳар қайси оила ҳаётига кенг кириб бориши учун замин туғдиришнинг аҳамиятини чуқур англаб олишимиз лозим..." деб таъкидлаганлар (Каримов, 2010).

Тадқиқотнинг мақсади таълим тизимида интеграциялашган технологиялар ва улардан фойдаланиш асослари, мазмун-моҳияти ва методик тизимини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотда таълим тизимида интеграциялашган технологиялар ва улардан фойдаланиш асослари, мазмун-моҳияти ва методик тизимини ишлаб чиқиш масалалари баён этилади. Тадқиқотда кузатиш, илмий-методик таҳлил ва умумлаштириш методларидан фойдаланилди.

Мамлакатимизда таълим тизимини ривожлантириш ва унинг самарадорлигини ошириш йўлида бир қанча амалий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бундай тадқиқот ишларининг асосий мазмуни куйидагилардан иборат:

- таълим мазмунини хорижий тажрибалар асосида янги ахборот мазмунга олиб келиш ва улар асосида янги авлод ўқув адабиётларини яратиш;
- компьютер технологияларидан фойдаланиб, ўқув предметларини ўқитиш жараёнини такомиллаштириш;
- ўқув жараёнига янги авлод ахборот ва коммуникация технологияларини жорий этиш;
- ўқув жараёнига замонавий педагогик, инновацион ва интеграцион технологияларни жорий этиш ва ҳоказо.

Ўқув жараёнида сифатли ва қафолатланган таълим беришда таълимнинг усуллари ва воситалари алоҳида аҳамиятга эга. Замон талаби даражасида ўқув жараёнини ташкил этишда интеграцион яъни интеграциялашган технологиялардан фойдаланиш муҳимдир.

Интеграция сўзи, латинча "integratio" сўзига мос келиб, ўзбек тилида тиклаш, қайтадан бошлаш, тўлдириш маъноларини ифодалайди. Айрим қисмларнинг, элементларнинг боғлиқлик ҳолатини, уларни қўшиб бирлаштиришни ифодаловчи тушунча ҳисобланади (Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 2006).

Интеграция сўзидан фанларнинг яқинлашиши ва ўзаро боғланиш жараёнини ифодалашда ҳам фойдаланилади.

Интеграциялаш тушунчаси муҳим илмий терминлардан бири бўлиб, у умумлаштириш, хулосалар чиқаришда методологик восита ҳисобланади. Фан ва техникада ушбу методологик восита ёрдамида бирор жараён ёки ҳодисалар мазмунлари орасидаги умумий уйғунлик моделлари ва алгоритмлари яратилади.

Ўзлуксиз таълим тизимида бериладиган таълим мазмунидаги уйғунликларни таъминлаш муаммоларини ечишда ҳам интеграциялашнинг моҳияти алоҳида аҳамиятга эга. Интеграциялаш орқали ўқитиладиган ўқув предметларининг асосий тушунчалари умумлаштирилади. Бирор тадқиқот объекти ва методологиясига оид маълумотлар ўртасидаги алоқадорликни ўрнатишда ҳам интеграциялаш тушунчасидан фойдаланилади.

Интеграциялашган технология деганда, икки ва ундан ортиқ технологияларни бирлаштириш, умумлаштириш ва улар орасидаги алоқадорликни ўрнатишдан ҳосил бўлган технологиялар тушунилади.

Ўқув жараёнида интеграциялашган технологиядан фойдаланиш деганда, педагогик, ахборот ва коммуникация технологияларини бирлаштириш, умумлаштириш ва улар ўртасидаги алоқадорликни ўрнатиш орқали фаолият олиб бориш ҳолати тушунилади.

Таълим олувчиларнинг ўқув предметлар бўйича ўзлаштириш даражаси дарснинг сифати ва самарадорлигини белгиловчи асосий омиллардан биридир. Таълимнинг сифатини оширишда дарсни тўғри режалаштириш ва мақсадни тўғри ва аниқ белгилаб олиш муҳимдир. Мақсадни белгилашда натижага эришиш учун кетадиган вақт, таълим олувчининг эҳтиёжи ва имкониятлари, таълим олувчининг мақсадга эришишга ҳаракат қилишга йўналтирилган методлар ва натижани аниқлайдиган назорат турларини аниқлаш алоҳида аҳамият касб этади. Бундай мақсадга эришиш учун ўқув жараёнига замонавий педагогик технологияларни жорий қилиш зарур.

Педагогик технология таълим жараёнида қўлланиладиган педагогик ва технологик ёндашувларнинг интеграцияси маҳсулидир. Педагогик технология тушунчасига турли педагог олимлар турлича ёндашиб, унга турлича таъриф берганлар. ЮНЕСКО ташкилоти педагогик технологияга қуйидагича таъриф берган: “Педагогик технология – таълим бериш ва ўзлаштириш усуллари яратиш, қўллаш, уларни ягона тизимга келтириш йўли билан инсон салоҳияти ва техник воситаларининг барча имкониятларидан мувофиқ фойдаланиб, билимлар ўзлаштирилишининг энг мақбул жараёнидир” (Толипов, Усмонбоева, 2006).

Педагогик технология - таълим методлари, усуллари ҳамда тарбиявий воситалар йиғиндиси, у педагогик жараённинг ташкилий-услубий воситалар мажмуидир. Педагогик технология бу ўз олдига таълим шакллари оптималлаштириш вазифасини қўювчи бутун ўқитиш ва билимларнинг ўзлаштириш жараёнини техник ресурслар ва инсонларнинг ўзаро муносабатларини ҳисобга олган ҳолда яратиш, қўллаш ва аниқлашнинг тизимли методидир. Педагогик технология - маълумотларни ўзлаштириш учун қулай шакл ва усулда узатиш ва ўзлаштириш жараёнидан иборат. Педагогик технология - ўқувчининг мустақил ўқишга, билим олишга, фикрлашга ўргатишни кафолатлайдиган жараёндир. Педагогик технология жараёнида ўқитувчи раҳбарлигида ўқувчи мустақил равишда билим олади, ўрганади, ўзлаштиради (Толипов, Усмонбоева, 2006).

Демак, педагогик технология инсонга олдиндан белгиланган мақсад бўйича таъсир ўтказиш фаолиятдан иборатдир.

Ахборот технологияси – ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ва уни тарқатиш учун фойдаланиладиган жами услублар, қурилмалар, усуллар ва жараёнлар. Ахборот технологиялари – маълумотларни тўплаш, уларга ишлов бериш, сақлаш, узатиш ва улардан фойдаланиш жараёнида компьютердан фойдаланиш йўллари, усуллари ва услублари. Ахборот технологияси – ахборотга ишлов бериш учун ушбу ахборотдан фойдаланувчи жараёнларнинг сермехнатлигини камайтириш ва уларнинг ишончилигини ва тезкорлигини ошириш мақсадида замонавий компьютердан фойдаланиш билан боғлиқ жараённи ифодалайди (Амиров ва бошқ., 2010).

Демак, ахборот технологиялари деганда ахборотни йиғиш, сақлаш, узатиш, ўзгартириш, қайта ишлаш усул ва воситалари йиғиндиси тушунилади.

Замонавий ахборот технологиялари таълим муассасаларида таҳсил олаётган ёшларга янгича ёндашишлар асосида, билим, малака ва кўникмаларини шакллантириш билан боғлиқ ўқув жараёнини ташкил этиб, таълимни янги сифат босқичига кўтариш имконини бериши мумкин бўлган технологиядир.

Коммуникация сўзи, инглизча “communication” сўзига мос келиб, ўзбек тилида алоқа, хабар, алоқа воситаси, ахборот воситаси, туташма, мулоқот, уланиш, ахборот узатиш усуллари ва воситалари маъносида қўлланилади. Коммуникация тизими – бошқа тизимлар орасида ахборот узатиш билан боғлиқ ёрдамчи вазифаларни бажарадиган тизимдир (Амиров ва бошқ., 2010).

Коммуникацион технологиялар – тармоқдаги компьютерлар орасида ахборотларни узатиш учун маршрутлаш (характерларни белгилаш) ва боғланишларни коммутация қилиш вазифасини бажарадиган технологиялардир.

Таълим тизимининг ахборот-коммуникация технологиялари қуйидаги асосий функциялар ва талабларни бажаради:

- таълим олувчилар ва уларнинг ахборот муҳитидан фойдаланиш фаолиятларини қайд этиш;

- таълим берувчи ва таълим олувчиларнинг фаолиятини маслаҳат йўли билан қўллаб-қувватлашни ҳисобга олиш;

- таълим олувчиларга зарурий ўқув материалларини мустақил ўзлаштириш учун тавсия қилиш;

- ўқув жараёнида, таълим олувчилар томонидан ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакаларнинг тест ёрдамида, шунингдек, оғзаки ва ёзма усулдаги назоратини ташкил қилиш;

- ахборот базасида таълим олувчиларга тавсия қилинган ўқув материалларидан, қўшимча адабиёт ва бошқа воситалардан фойдаланиши учун ўқув муассасаси ахборот ресурсларидан масофадан туриб фойдаланиш имконини яратиш;

- виртуал лаборатория машғулоти ва амалий топшириқларни бажаришда масофадан туриб таълим муассасаси ходимларининг маслаҳати ва бошқа ёрдамларини уюштириш ва ҳоказо.

Интеграциялашган технологиялар асосида ташкил этиладиган ўқув жараёнида ўқув предметларининг асосий мазмуни қуйидаги ўқув-услубий материаллардан иборат бўлади:

- электрон дарсликлар, электрон ўқув қўлланмалар, электрон методик қўлланмалар ва бошқа қўшимча материаллар;
- электрон ўқув-услугий мажмуалар;
- ўзини ўзи назорат қилиш учун тест дастурлари ва саволлар мажмуаси;
- виртуал лаборатория ишлари ва уларнинг тавсифи;
- мустақил ишлар ва назорат ишлари;
- ҳисоблаш дастурлари, электрон маълумотномалар, электрон иловалар;
- қўшимча дастурий таъминотлар.

Интеграциялашган технологияларнинг қўлланилиши натижасида ўқув машғулоти масофадан туриб тармоқ технологиялари имкониятларидан фойдаланган ҳолда ташкил этишга олиб келади. Бу эса масофали ўқитишни ташкил этишнинг асосидир. Масофали ўқитишда тармоқ технологияларининг асосий вазифаси ўқув жараёнида ўқитувчи ва ўқувчи орасидаги мулоқотни таъминлашдан иборат. Ўқитувчи ва ўқувчилар орасидаги доимий мулоқотсиз ташкил қилинган ўқув жараёни кўзланган самарани бермайди. Таълим тизимининг кундузги шаклида ўқитувчи ва ўқувчи орасидаги мулоқот бир вақт, бир жойда ўқув аудиториясида амалга оширилади. Масофали ўқитишда эса бу жараён телекоммуникацион воситалар асосида компьютернинг тармоқ технологиялари орқали амалга оширилади.

Юқорида кўриб чиқилган, учта технологияларнинг интеграциялашган ҳолати таълим бериш ва ўзлаштиришнинг энг мақбул технологияси деб қараш мумкин. Педагогик ва ахборот технологиялари имкониятларидан фойдаланган ҳолда таълим олувчилар учун ахборот-таълим муҳитини яратиб, коммуникация технологиялари воситалари асосида таълим олувчиларга етказиб бериш жараёнлари интеграциялашган технологияларнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, замонавий талаб даражасида ўқув жараёнини ташкил этиш, таълим мазмунларини умумлаштириш ва тўлдиришда интеграциялашган технологиялар алоҳида аҳамият касб этиб, кўзланган мақсадга эришишни кафолатлашга ёрдам беради.

Адабиётлар рўйхати:

- И.Каримов, Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. 18-жилд. Тошкент, Ўзбекистон. 2010, -164 б.
- Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 5 жилдли, 2-жилд. Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. -672 б.
- Толипов Ў.Қ., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари. Тошкент, Фан. 2006. – 264 б.
- Амиров Д.М. ва бошқалар. Ахборот-коммуникация технологиялари изоҳли луғати. Тошкент, 2010. – 576 б.